

1. МАЪРУЗА МАТНИ

22-Мавзу. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
2. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг мақсад ва вазифалари
3. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад ва харажатлар тизими

1. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар эса биринчи даражали аҳамиятга кўтарилмоқда. Бундай масалаларни ҳал қилишда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларининг ўрни бениҳоя катта бўлмоқда. Бюджетдан ташқари давлат фондлари марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди. Давлатнинг мақсадли фондлари мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган молия ресурслари ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Давлат бюджети билан бирга давлат мақсадли фондларининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бундай фондлар сони ва ҳажмининг кўпайиши қатор сабаблар билан изоҳланади. Бюджетдан ташқари давлат фондлари турли-туманлиги молия тизимининг бошқа бўғинлари ва мазкур фондлар билан алоқасини мураккаб кўп поғонали алоқаларини белгилайди. Молиявий алоқаларнинг бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама турлари мавжуд.

Давлат мақсадли фондларини ташкил етишнинг зарурияти аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътиллар), соғлиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг

олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Давлат мақсадли жамғармалари қуйидагилардир¹:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

- Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарманинг Кузатув кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси мажбурий тўловлардан ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди, кейинчалик улардан умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини (лойиҳаларини) ҳамда уларнинг лозим даражадаги техник ҳолати ва ўтказиш қобилиятига еришишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғарма кенгашидир.

Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушадиган, белгиланган тартибда тақсимланадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги харажатлар молиялаштирилишини таъминлаш учун ягона ижтимоий

¹Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси” қонуни, 2013 йил 26 декабр 52-И-сон, 36-модда

тўловдан ажратмалар ва Бюджет Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, жиҳозлашга (тўлиқ жиҳозлашга) йўналтириладиган, Бюджет Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган мажбурий тўловлар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг юқори бошқарув органи Жамғармани бошқариш кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Бюджет Кодекснинг 58-моддасида назарда тутилган ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир дастурларни (лойиҳаларни) ҳамда мелиоратив объектларнинг лозим даражадаги техник ҳолатини таъминлаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга, шунингдек мелиоратив техника олишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг юқори органи Жамғарма кенгашидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси Бюджет Кодекснинг 59-моддасида белгиланган ва олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидагилардир:

- Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси;
- Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари:

- ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдордаги тушумлари;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллигига чалинганлик туфайли тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлаш харажатларининг ўрнини қоплаш учун тақдим етиладиган регресс талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролар томонидан ўрни қопланадиган маблағлар тушумининг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг муддатидан олдин тайинланган ёшга доир пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, юридик шахсларнинг имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш ҳисобидан киритиладиган маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий тартибда тўланадиган суғурта бадаллари, мажбурий тўловлар, бадаллар ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисобланган жарималар ва пенялар суммасининг бир қисми, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлган, касб касаллигига чалинган ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етказилган ходимга юридик шахс тугатилганда, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил етилганда ёки тугатилганда зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган назарда тутилган маблағлар, вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадлари:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- вақтинчалик бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасининг даромадлари:

- давлат мулки бўлган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларидаги акцияларни (улушларни), ер участкалари ва бошқа мол-мулкни реализация қилиш;
- устав жамғармаларида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини тугатишдан тушган тушумлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг даромадлари:

- белгиланган миқдордаги ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг даромадлари:

- Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари:

- ҳар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг асосий параметрлари доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушумларга мувофиқ бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- бюджетдан ажратиладиган мақсадли маблағлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

• Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси даромадлари:

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;
- вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Маълумки, аҳолининг кам таъминланган қатламларидан бири пенсионерлардир. Пенсия таъминотининг ижтимоий нуқтаи назардан муҳимлиги унинг ҳозирги кунда республикамиз фуқароларининг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади.

Ижтимоий кафолатларни молиялаштириш ва зиддиятларни ҳал қилишда ҳамда иқтисодий муаммоларни бартараф етишда Пенсия жамғармаси муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, енг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. Бутун ислохотлар жараёнида

республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва еркинлик-ларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилди. Давлат пенсия таъминотининг молиявий муаммолари еса кўп жihatдан Республикамизнинг Пенсия жамғармаси тараққиётига боғлиқ.

2. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг мақсад ва вазифалари

Жаҳон тажрибасида давлатнинг мақсадли фондларининг жуда кўп турлари мавжуд ва бу уларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- ижтимоий йўналтирилган фондлар (пенсия фондлари, мажбурий тиббий суғурта фондлари, давлат бандлик фондлари, ижтимоий суғурта фондлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш умуммиллий фондлари);

- иқтисодий йўналтирилган фондлар (ўз йўналиши ва манбаларига ега).

Мақсадли фондларнинг молиявий манбаларининг асосий қисми давлат томонидан белгиланадиган мажбурий бадаллар ҳисобига шакллантирилади

Мақсадли фондларни қуйидаги хусусиятлар бўйича таснифлаш мумкин (1-расм):

➤ Ташкилий усулига кўра:

- мақсадли фондларни ташкил қилиш учун маҳсус ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

- ўз маблағлари ҳисобидан.

➤ Шаклланиш усулига кўра:

- Маҳсус ўрнатилган солиқлар ва мажбурий ажратмалар ҳисобига;

- Давлат бюджетидан ассигнациялар;

- Маҳсус ёки ихтиёрий займларни чиқариш;

- Қимматли қоғозлар эмиссияси ва жойлаштирилиши орқали.

➤ Амал қилиш муддатига кўра:

- Доимий, доимий ва узоқ муддатда фаолият юритувчи;

- Вақтинчалик, жамият ривожланишининг маълум босқичида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ёки экологик вазифаларини бажариш учун ташкил етилган.

➤ Тегишлилик ҳуқуқи ва мулкӣй тегишлилигига кўра:

- давлат;

- давлатлараро;

- халқаро.

➤ Мақсад ва вазифаларига кўра:

- ижтимоий;

- суғурта;

- иқтисодий;

- кредит;

- илмӣй-тадқиқот;

- инвестицион;

- экологик;

- сиёсий ва бошқалар.
- Марказлашиш даражасига кўра:
 - марказлашган;
 - марказлашмаган.

Маблағлар ишлатилишининг мақсадли йўналтирилишига кўра давлат мақсадли фондлари ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа фондларга ажратилади. Ижтимоий аҳамиятдаги фондлар давлат органларига фаол ижтимоий сиёсатни юритишга кўмак беради. Ушбу фондларни шакллантиришда асосан суғурта қилинган шахсларнинг суғурта бадалларидан, тадбиркорларнинг суғурта бадалларидан, субсидиялар ва давлатнинг фойсиз ссудаларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий фондларга Пенсия Фондини, Бандликка кўмаклашувчи давлат фондини ва бошқа нодавлат фондларини (“Нуроний”, “Меҳр нури”, “Сен ёлғиз емассан” фондлари) киритиш мумкин.

Давлат ижтимоий фондлари фуқароларнинг пенсия олиш, касаллиги, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги сабабли, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш, ишсизликдан ҳимоя қилиниш учун ва бошқалар учун ижтимоий нафақаларни олишдек конституцион ҳуқуқларни таъминлашга йўналтирилган. Иқтисодий фондлар жамиятнинг хўжалик ва ижтимоий ҳаётининг ривожланишида давлат таъсири имкониятларини кенгайтиради. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фондларга Республика Йўл фондини, давлат мулк кумитасининг маҳсус ҳисоб варағини ва бошқа фондларни киритиш мумкин.




1-расм. Давлат мақсадли фондлари классификацияси²

Давлат бюджетида жамланган бюджетдан ташқари фондлар давлат мақсадли фондлар ҳисобланади. 1-расмда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида жамланадиган давлат мақсадли бюджетдан ташқари фондлар таркиби келтирилган.

2007 йилдан бошлаб давлат бюджети параметрларида алоҳида сатр билан Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт фондининг даромадлари ва харажатлари кўзда тутила бошланди. Мазкур фонд иқтисодиётнинг етакчи, енг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга еришиш, шунингдек самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида тузилган.

² Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финанси. Т.: Издателский дом “Тасвир”, 2008. 78 б.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига жамланадиган давлат мақсадли фондлари³

Бюджетдан ташқари фондлар мақсадли фондлар мақсадли ишлатилишга йўналтирилган. Одатда уларнинг номида маблағларнинг ишлатилиш мақсади кайд этилади. Бюджетдан ташқари фондларни шакллантиришнинг манбалари улар ташкил етган вазифаларнинг характери ва масштабига қараб аниқланади. Манбаларнинг тури ва хажмига ривожланишнинг у ёки бу босқичидаги мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий ҳолати таъсир этади.

Давлатнинг мақсадли фондларини шакллантириш манбалари нисбатан доимий ва вақтинчалик характерга ега. Улар давлат ҳудудида турли хил бўлиши мумкин.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси” қонуни, 2013 йил 26 декабр 52-И-сон, 36-модда



3-расм. Давлат мақсадли фондларини шакллантириш манбалари⁴

Давлат мақсадли фондларининг маблағларидан фойдаланиш фондларнинг мақсади, аниқ иқтисодий шароитлар ва ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган дастурлардан келиб чиқилади. Маблағларнинг маълум бир қисми таъсисчилик фаолиятига ҳамда қимматли қоғозларга қўйилади. Давлат мақсадли фондлари инвестор сифатида ҳамда молия бозори иштирокчиси сифатида иштирок этиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган пенсия тизими инсоният тараққиётининг ютуғи ҳисобланади ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Пенсия тизими иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланувчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий фондлардан молиялаштирилиши пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир.

Пенсия тизими касаллик, кексалик, бахциз ҳодиса туфайли меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган ижтимоий ҳимоядир.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга асосланган демократик жамият қуриш каби мақсадли вазифа қўйилар экан, бунда давлатнинг мақсадли жамғармаларидан Пенсия жамғармасининг ҳозирги фаолияти ҳолатини ҳамда истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишимиз талаб этилади. Мазкур соҳани ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларида ижтимоий ҳимоянинг турли

⁴ Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финанси. Т., Издателский дом “Тасвир”, 2008. 80 б.

шакллари вужудга келиши ва ривожланиши "ижтимоий хавф-хатар" тушунчасини еътироф этиш орқали белгиланади. Кишиларнинг ижтимоий ҳимояланмаганлик даражасини баҳолашда «ижтимоий хавф-хатар» тушунчасидан фойдаланиш мумкин. «Ижтимоий хавф-хатар»нинг ехтимоллик даражаси вужудга келадиган зарарни қоплаб, пенсия тизимининг мазмуни ва чегараларини белгилайди. Пенсия тизимининг пировард вазифаси инсон ехтиёжини ҳамда унинг кексалик чоғида ҳимояланишга бўлган талабини қондиришдир деган хулоса чиқариш имконини беради. Иш ҳақи жамиятнинг кўпчилик аъзолари учун асосий тирикчилик манбаига айланиши билан ижтимоий ҳимоясизликнинг алоҳида тури, яъни иш ҳақидан маҳрум бўлиш туфайли моддий таъминланмаганлик хавфи вужудга келади. Бу ижтимоий хавф-хатар оммавий бўлади, асосан ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланадиган ва алоҳида кишига боғлиқ бўлмаган ижтимоий характер касб етади. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг мақсадли жамғармаларини шакллантиришда уларнинг ташкил қилиниши бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилди, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар еътиборга олинди. Албатта, бундай уйғунлаштиришга еришиш натижасида ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги ортди. Давлатнинг мақсадли жамғармалари таркибида еса Пенсия жамғармасининг аҳамиятини алоҳида таъкидлашимиз керак. «Пенсия» категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва кексалик чоғида фонддан фойдаланиш шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс еттиради. Меҳнатга қобилияцизлар ва қариялар муаммоси ҳамма вақт мавжуд бўлиб келган. Индуриал жамиятгача бўлган даврда меҳнат тақсимои кучсиз бўлганлиги сабабли, унинг аҳамияти катта бўлмаган.

3. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад ва харажатлар тизими

Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари жамғармалар миқдори кўп (8та) бўлганлиги боис биз битирув малакавий ишимизнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур жамғармалар ичида салмоғи жиҳатдан юқори бўлган иккита жамғарма - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Йўл жамғармаларга мажбурий ажратма ва тўловларни жалб этиш механизмини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўлаш, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган мажбурий тўловлар, бадаллар, шунингдек бошқа манбалардан тушадиган маблағларни жамлайди.

Қуйида келтирилаётган жадвалда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари манбаларидан тушадиган маблағлар тўғрисида маълумот олишимиз мумкин.

1-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг таркибий тузулиши⁵ (млрд.сўмда)

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Йил бошидаги қолдиқ	235,1	252,30	0,5	280,1	602,2	1067,3	2592,0
Даромадлар шу жумладан:	4352,1	5 326,17	6144,4	8065,4	9699,9	11946,4	13965,0
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов	2575,1	3 321,5	3903,4	4799,2	5907,4	7299,5	8324,2
Фуқароларнинг мажбурий бадаллари	377,9	532,5	720,4	1110,2	1482,7	1877,2	2463,8
Сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратмалар	560,0	975,8	1122,7	1401,5	1591,3	1933,0	2063,8
Бошқа даромадлар	603,9	244,0	397,4	474,4	718,5	836,7	1113,1

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари йилдан йилга ўсиш суръатига ега. Масалан, 2009 йилда жамғарманинг даромадлари 4352,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, шундан, 2575,1 млрд.сўми иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан, 377,9 млрд.сўми фуқароларнинг мажбурий бадалларидан, 560,0 млрд.сўми сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратмалардан ва 603,9 млрд.сўми бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилган.

2015 йилда еса жамғарманинг даромадлари 13965,0 млрд.сўмни режалаштирилган бўлиб, шундан, 8324,2 млрд.сўми иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан, 2463,8 млрд.сўми фуқароларнинг мажбурий бадалларидан, 2063,8 млрд.сўми сотилган маҳсулотлар ҳажмидан мажбурий ажратмалардан ва 1113,1 млрд.сўми бошқа даромадлар ҳисобига шаклланиши кутилмоқда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллардаги “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прагнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги маълумотларидан кўришиб турибдики, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг асосий қисми ва катта улуши иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов ташкил этади. Шу боис биз бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловни тўловчилар ва мазкур тўлов миқдорини ўрганиб, йиллар давомидаги ўзгаришини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ, ягона ижтимоий тўловни Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар, ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет еллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари тўлайдилар⁶.

Қуйида келтириляётган 2-жадвалда юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан ундириладиган ягона ижтимоий тўлов миқдори ва унинг тақсимланиши таритибини кўришимиз мумкин.

2-жадвал

2005-2015 йилларда юридик шахсларнинг иш ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов миқдори ва унинг тақсимланиши⁷

Йиллар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Ягона ижтимоий тўлов ставкаси,	31,0	25,0	24,0	24,0	24,0	25,0	25	25	25	25	25
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратма миқдори % да	30,0	24,2	23,5	23,5	23,6	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8	24,8
Бандликка кўмаклашиш жамғармасига ажратма миқдори % да	0,5	0,5	0,3	0,3	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ажратма миқдори % да	0,5	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1

⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кордекси. Т: “Адолат”-2011 й. 305-модда

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллардаги “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прагнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорлари асосида тайёрланди

Юқоридаги 2-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, ягона ижтимоий тўловнинг миқдори 2005 йилда 31 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, унинг 30 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 0.5 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармага ва 0.5 фоизи касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳисоб рақамларига йўналтирилган.

2006 йилда ягона ижтимоий тўловнинг миқдори 25 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, унинг 24.2 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 0.5 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармага ва 0.3 фоизи касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳисоб рақамларига йўналтирилган. 2007-2008 йилларда ягона ижтимоий тўловнинг миқдори 24 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, унинг 23.5 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 0.3 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармага ва 0.2 фоизи касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳисоб рақамларига йўналтирилган.

2009 йилда еса ягона ижтимоий тўловнинг миқдори 24 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, унинг 23.6 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 0.2 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармага ва 0.2 фоизи касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳисоб рақамларига йўналтирилган.

2010-2015 йилларда ягона ижтимоий тўловнинг миқдори 25 фоиз қилиб белгиланган бўлиб, унинг 24.8 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, 0.1 фоизи Бандликка кўмаклашиш жамғармасига ва 0.1 фоизи касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳисоб рақамларига йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ва ишловчи фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчиси ҳисобланадилар.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади. Бундан яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил етган ва ташкил етмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари мустаснодир. Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай тақдим етилиб, суғурта бадаллари - иш ҳақига пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим етиш билан бир вақтда тўланади.

3-жадвал

2005-2015 йилларда жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари миқдори⁸ (фоизда)

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллардаги “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прагнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарорлари асосида тайёрланди.

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Мажбурий суғурта бадаллари миқдори	3.0	3.5	3.5	3.5	4.0	4.0	4.5	5.5	6.0	6.5	7.0

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2005 йилда жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари 3 фоизни ташкил қилган бўлиб, 2006-2008 йилларда 3.5 фоизни, 2009-2010 йиллар 4.0 фоизни, 2011 йил 4.5 фоизни, 2012 йил 5.5 фоизни, 2013 йил 6.0 фоизни, 2014 йил 6.5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда еса бу миқдор 7.0 фоиз қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлайдилар. Ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар ва нотижорат ташкилотлар Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўламайдилар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустаснодир. 2015 йилда мажбурий ажратма миқдори 1.6 фоиз етиб белгиланди.

Соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кордексининг 313-моддасга мувофиқ аниқланади.

Қуйидагилар мажбурий ажратмалар ва тўловларни тўлашдан озод этилади:

- Давлат бюджетдаги ташкилотлар ва муассасалар (фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар);
- бюджетдан дотасия олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;
- йўл хўжалиги ташкилотлари - умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажаришдан олинадиган даромадлар бўйича;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;
- мотоараваларга ва автомобилларга ега бўлган ва уларни сотиб олган барча гуруҳларга тегишли бўлган ногиронлар;
- ихтисослаштирилган тармоқдан "ГМ Узбекистан" қўшма корхонаси

томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар, шунингдек, ҳада шартномаси асосида яқин қариндошлардан (оталар, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, ер, хотин) автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

- юридик шахслар - фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган - йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналиш таксиларидан ташқари);

- 40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган конларда ишлатиладиган автосамосвалларни сотиб олаётган корхоналар.

Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистралари таркибига кирадиган йўللарни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш манбалари нафақат ички балки ташқи манбалар – халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштирилмоқда. Шу боис йўл жамғармаси даромадлари таркибида халқаро молия институтларининг заёмлари ҳам манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади, уларнинг миқдори ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади. Ажратмалар солиқ солиш объектидан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиқиб, ягона солиқ тўлови тўламайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлмаган тўловчилар томонидан - ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай ҳисобланади ва ажратмалар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ҳам унинг асосий даромад манбаларидан ҳисобланади. Йиғимлар ва ажратмаларнинг ставкалари уларнинг турларига қараб АҚШ долларларида ёки фойдаланиш муддатицан келиб чиққан ҳолда ҳар бир от кучи учун енг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан фоизда ундирилади. Масалан, хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғимлар АҚШ долларларида ундирилса, Ўзбекистон Республика Ички ишлар вазирлиги органларида автотранспорт воситалари руйхатдан ўтаётган пайтида сотиб олиш ва (ёки) автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб киргани учун ундириладиган йиғимлар ҳар бир от кучи учун енг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан фоизда ундирилади (10-жадвал) .

Қуйида келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим, бир автоташувчини олиб

кирганлик учун 400 АҚШ доллари ундирилса, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кириш ва транзит қилиш учун битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан 130 АҚШ доллари, юк автотранспорт воситаси ва автобуснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши, 3 суткадан ошган ҳар бир кун учун 70 АҚШ долларига тенг.

Бундан ташқари, юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали бошқа мамлакатларга (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун 90 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Қозоғистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кирганлик учун йиғимлар, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш бундан мустасно, бир юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик учун 300 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғимлар 300 АҚШ доллари миқдорида йиғимлар ундирилади.


НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Давлатнинг мақсадли жамғармалари моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Умумдавлат молиясининг бўғини сифатида Давлатнинг мақсадли жамғармалари қандай вазифаларни бажаради?
3. Ўзбекистон иқтисодиётида Давлатнинг мақсадли жамғармаларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти қандай?
4. Давлатнинг мақсадли жамғармаларини ташкил этиш тартиби ва уларни шакллантириш методларини айтинг.
5. Давлатнинг мақсадли жамғармаларининг молиявий манбалари нималардан иборат?
6. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида мавжуд бўлган бюджетдан ташқари жамғармаларни айтинг.
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бош мақсади ва вазифаларини нималардан иборат?
8. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг шаклланиш манбаларини айтинг.
9. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан пенсия, нафақа ва тўлов харажатларини молиялаштириш тартибини айтинг.
10. Бюджетдан ташқари Йўл жамғармасининг олдига қўйилган мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
11. Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратма ва йиғимларнинг таркиби нималарадан иборат?
12. Бюджетдан ташқари Йўл жамғармасининг даромад манбалари нималардан иборат?
13. Бюджетдан ташқари Йўл жамғармаси харажатлари йўналишларини айтинг.
14. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармасининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?.
15. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармасининг даромадлар манбаларини айтинг.
16. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари нималардан иборат?
17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг мақсади нималардан иборат?
18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг мақсади нималардан иборат?
19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг мақсади нималардан иборат?

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

ДАВЛАТНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИ

22.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти



Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари



**Давлатнинг бюджетдан ташқари
жамғармаларини ташкил этиш**

Маълум бир харажатларни Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан муҳим умум-жамият аҳамиятини касб этувчи муаммоларни ҳал

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармасини шахсий (ўзлик), махсус ажратма ва бадал маблағлари ҳисобидан шакллантириш

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадини шакллантиришнинг асосий методлари

Махсус солиқлар,
йиғимлар ва
ажратмалар

Давлат бюджети
маблағлари ва
заёмлар

**Давлатнинг бюджетдан ташқари
жамғармалари молиявий**

Бир томонлама

Бундай муносабатлар, одатда, жамғарманинг даромадларини шакллантиришда ёки унинг харajatларини амалга оширишда намоён бўлади. Масалан, кўпчилик мамлакатларда валюта фондининг ташкил этиш манбаи марказлаштирилган бюджет маблағларидан қайтариб берилмайдиган субсидия


Икки томонлама

Бундай муносабатлар амалиётда молиявий ресурсларнинг оқими фондлараро ва молия тизимининг бошқа бўғинлари ўртасида содир бўлганда вужудга келади. Масалан, Пенсия фонди нафақат махсус ажратмалар ҳисобига ташкил этилади, балки республика бюджетидан олинаётган дотация ҳисоби-

Кўп томонлама


Бунда битта Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаси бир вақтнинг ўзида бир нечта фондлар ҳамда молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро алоқада бўлади. Яъни, пул маблағлари турлича ва ранг-баранг йўналишларда ҳаракат ва оқимда бўлади

Давлатнинг бюджетдан ташқари



Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари

молиявий манбаълари



**Давлатнинг бюджетдан ташқари
жамғармаларини классификацияси**

Давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини иқтисодий
мазмунини ва ташкил этиш заруратига кўра иккита катта гу-

руҳга бўлиш мумкин


Ижтимоий хусусият касб
этувчи жамғармалар

Иқтисодий хусусият касб
этувчи жамғармалар

Буларнинг таркибига Пенсия жамғармаси, Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси, Мажбурий тиббиёт суғуртаси жамғармаси, Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқалар киради

Буларнинг таркиби Республика Йўл жамғармаси, Тараққиёт ва тикланиш захира жамғармаси ва бошқалардан иборат

**Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини
давлат сиёсий тузумига мувофиқ**



Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида бир қатор Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари мавжуд

Уларнинг асосийлари қуйидагилардир

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси (2004-2009 йилларга мўлжалланган)


Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларни мелиоратив яхши-


Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бандлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси


22.2. Пенсия жамғармасы



Пенсия жамғармасы харажатларининг йўналишлари



22.3.Йўл жамғармаси



Йўл жамғармасининг харажатлари

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш учун харажатлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун харажатлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш учун харажатлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилишга машина ва механизмларни харид қилиш учун харажатлар

Молия вазирлиги ҳузуридаги республика бюджетдан ташқари Йўл жамғармаси бошқарув аппаратини сақлаш учун харажатлар

“Ўзавтойўл” ДАК марказий бошқарув аппаратини сақлаш учун харажатлар


“Ўзавтойўл” ДАК ҳудудий бошқарув аппарати ва шўъба йўл – эксплуатация корхоналарини сақлаш учун харажатлар

Умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш, таъмирлаш ва сақлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар

Божхона постларида валюта тушумларини йиғиш ва назорат қилишга хизмат кўрсатувчи банклар ва Республика йўл жамғармаси, Давлат божхона қўмитаси ўртасида шартномаларни ижро қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик харажатлари

Йўл қурилиш ишлари учун резерв

22.4. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси



**Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси
молиявий ресурслари ҳисобидан молиялаштириладиган**

меҳнат биржасида рўйхатга олинган ишсизлар ёки иш ўринларини излаётган шахсларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш тадбирларини молиялаштириш

ишсизлик бўйича тўланадиган нафақалар

меҳнат бўлимининг таклифига мувофиқ, фуқарони бошқа ҳудудга ишга ўтганлиги муносабати билан тўланадиган компенсациялар

қонунга мувофиқ, ишсизларга бериладиган моддий ёрдам

ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинлангани муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш

алоҳида ҳудудларда ишсизликни олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган социологик сўровлар бўйича харажатлар

меҳнат бўлимларининг биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар

Реклама, нашриёт ва информацион сўров ишларини амалга ошириш харажатлари

фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари ва хўжалик субъектларига қисқа ва ўрта муддатли кредитларни тақлим этиш бўйича харажатлар

аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар бўйича халқаро ҳамкорлик харажатларини молиялаштириш

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

1-Топшириқ. Тестларни ечинг.

- 1. Давлат бюджетдаги тақсимлаш муносабатлари объекти бўлиб нима ҳисобланади?**
 - а) Мамлакатнинг миллий бойлиги;
 - б) Миллий даромад;
 - в) Ялпи ички маҳсулот;
 - г) Фойда.

- 2. Давлат бюджетни қандай йўналишга эга?**
 - а) Иқтисодий;
 - б) Ижтимоий-иқтисодий;
 - в) Ижтимоий;
 - г) Сиёсий.

- 3. Давлат бюджетининг ижтимоий харажатларига қандай харажатлар киради?**
 - а) Бошқарув органларини молиялаштириш харажатлари;
 - б) Соғлиқни сақлашни молиялаштириш;
 - в) Марказлашган капитал қўйилмаларни молиялаштириш;
 - г) Иқтисодиёт харажатлари.

- 4. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини ким тасдиқлайди?**
 - а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
 - б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис;
 - в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
 - г) Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси.

- 5. Давлат пул маблағлари марказлашган фондининг шаклланиши ва ишлатилиши усуллари ва шакллари йиғиндиси деганда нимани тушунаси?**
 - а) Бюджет механизми;
 - б) Бюджет жараёни;
 - в) Бюджетни режалаштириш;
 - г) Бюджет системаси.

- 6. Бюджетдан ташқари мақсадли пул фондларининг ташкил этилишига бўлган эҳтиёж қуйидаги сабабларга кўра вужудга келади**
 - а) Сиёсий вазият;

- б) Ижтимоий соҳани молиялаштириш;
- в) Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги вазифаларини молиялаштириш;
- г) Инвестицияларни молиялаштириш.

7. Бюджетдан ташқари пенсия фонди қачон ташкил этилган?

- а) 1992 йил;
- б) 1997 йил;
- в) 1996 йил;
- г) 2001 йил.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджетдан ташқари пенсия фонди тўғрисидаги низоми қачон қабул қилинган?

- а) 1995 йил;
- б) 1999 йил;
- в) 2000 йил;
- г) 2004 йил.

2-топшириқ. Қуйидаги иқтисодий тушунчаларга таъриф беринг.

- 1. Давлат молияси–бу ...
- 2. Мақсадли фондлар–бу ...
- 3. Бюджетдан ташқари фондлар–бу ...
- 4. Пенсия фонди–бу ...

3. Эссе. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари. (интернетдан фойдаланиш мумкин, 10-15 гапдан иборат кичик иншо ёзинг)

4. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича 15-16 та сўздан иборат кроссворд тузинг.

4.ГЛОССАРИЙ

22- мавзу: Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари

Давлат молияси (Государственные финансы, Public Finance) -давлатни керакли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларини бажариш учун пул маблағлари билан таъминлашга ундалган молия тизимининг муҳим бўғинидир.

Мақсадли фондлар (Целевые фонды, Trust funds) - Молия тизимининг муҳим тизимларидан бири бўлиб, марказий ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ихтиёридаги ва маълум мақсадга йўналтирилган пул ресурслари йиғиндисидир.

Бюджетдан ташқари фондлар (Внебюджетные фонды, Non-budgetary funds) – умумдавлат молиясининг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти қатъий белгиланган, манбаларни ташкил этиш йўллари кўрсатилган, пул фондлари билан фойдаланиш йўлларининг тартиби аниқлаб берилган давлат ҳукуматининг юқори органларининг тегишли актлари асосида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Пенсия фонди (пенсионный фонд, pension Fund) – бу пенсия билан таъминловчи давлат молия бошқарувининг органи бўлиб, мустақил молия институти ҳисобланади ва фонднинг маблағлари давлат бюджети таркибига қирмайди.

давлат мақсадли жамғармалари (Цель общественных фондов, The purpose of the public funds) - Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

Бюджетдан ташқари фондларнинг афзалликлари (Преимущества внебюджетных фондов, The advantages of off-budget funds) - давлат бюджетини енгиллаштиради, бюджет харажатлари-нинг бир қисмини ўз зиммасига олади ва бюджетни маблағ билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қилади ва маблағлардан мақсадли фойдаланади.

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). –Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Хайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ